



Реал самарали алмашув курси шарҳи

2022 йил ноябрь


Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Тошкент 2022 йил

Реал самарали алмашув курси шарҳи

2022 йил ноябрь

Реал самарали алмашув курси 2022 йилнинг ноябрь ойида ўтган ойга нисбатан **пасаювчи** динамика қайд этиб, 1,0 фоизга қадрсизланди (2021 йил мос даврига нисбатан 1,1 фоизга, базавий ой – 2019 йилнинг сентябрига¹ нисбатан 7 фоизга мустаҳкамланди).

Номинал ва реал эффектив алмашув курслари йиғма индекси динамикаси




Ноябрь ойидаги реал самарали алмашув курсининг қадрсизланиши асосан **савдо-ҳамкор давлатлар валюта курсларининг мустахкамланиши, савдо-ҳамкор мамлакатлар инфляциялари таъсирлари билан изоҳлаш мумкин**. Хусусан, ушбу динамикада:

оширувчи омиллар: ички инфляция – 1,3 фоиз бандни ташкил этди;

пасайтирувчи омил: савдо-ҳамкор давлатлар инфляцияси – 0,8 фоиз бандни ҳамда валюта курслари – 0,8 фоиз бандни, шу билан биргалик сўм алмашув курси – 0,8 фоиз банд.

¹ Валюта бозорини янада эркинлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш доирасида 2019 йил 20 августдан бошлаб тижорат банклари томонидан нақд хорижий валютани сотиш йўлга кўйилди. Шу сабабли, **2019 йил сентябрь ойи** сўмнинг реал самарали алмашув курси индексини ҳисоблашда базавий давр сифатида белгиланди

Реал самарали алмашув курси (REER) индексининг ойлик ўзгариш декомпозицияси



Асосий савдо-ҳамкор давлатларниң **валюталари курси** ноябрь ойида АҚШ долларига нисбатан **мустаҳкамланып** борган.

Жумладан:

- Россия **рубли** ноябрь ойида **1,2 фоизга** (61,8 дан 61,0 га) **мустаҳкамланды**. Бу нефт котировкалари ва глобал даражада нисбатан заифлашиб бораётган доллар индекси билан боғлиқ.
- Қозоғистон **тенгеси** ноябрь ойида **1,8 фоизга** (472,4 дан 463,8 га) **мустаҳкамланды**. Йирик юридик шахслар томонидан бюджеттега солиқ түловларини миллий валютада амалга оширишлари тенгега бўлган талабни ошираётгани, кичик бўлсада курс мустаҳкамланишига сабаб бўймоқда.
- Хитойда кўчмас мулк бозорининг тикланиб бориши, пандемия бўйича чекловларниң юмшатила бошлагани инвесторларни жалб қилмоқда, бу ўз ўрнида юан курсининг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда. Ўтган ойга нисбатан ноябрь ойида **юан курси 0,3 фоизга** (7,19 дан 7,17 га) **мустаҳкамланды**.
- Туркия лирасида ноябрь ои давомида кескин ўзгаришлар кузатилмади.

2022 йил ноябрь ойида асосий савдо-ҳамкор давлатларда **инфляция даражаси:**

➤ **Россияда ноябрь ойида инфляция кўрсаткичи 0,3 фоизни** (*йиллик инфляция 11,9 фоизни*) ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Аҳоли томонидан **сезилган инфляция** октябрь ойига нисбатан пастрок шакланиб 17,6 фоизни (*октябрда 18,2 фоиз*) ташкил этган бўлса, инфляцион кутилмалар ҳам 12,2 фоизгача (*октябрда 12,8 фоиз*) пасайди.

➤ **Қозогистонда** ойлик инфляция **1,4 фоизни** ташкил этиб, йиллик ҳисобда **19,6 фоизгача** тезлашди (*октябрда ойлик – 1,6 фоиз, йиллик – 18,8 фоиз*). Ноябрь ойида инфляциянинг компонентларидан озиқ-овқат маҳсулотлари йиллик 24,1 фоизга (*октябрда 23,1 фоиз*), ноозиқ-овқат маҳсулотлари 18,6 фоизга (*октябрда 17,9 фоиз*) ва хизматлар 14,1 фоизга (*октябрда 13,5 фоиз*) ошди.

➤ **Туркияда** ойлик инфляция **2,9 фоизни** ташкил этиб, йиллик ҳисобда **84,4 фоизгача** етди. Октябрь ойига нисбатан (*ойлик – 3,5 фоиз, йиллик – 85,5 фоиз*) истеъмол нархлари ўсиш суръати секинлашига 2021 йилдаги юқори базавий эфект ва турк валютасининг охирги ойлардаги нисбатан барқарорлиги билан изоҳлаш мумкин. Шу билан бирга, ишлаб чиқарувчилар нархлари индекси ойлик **0,7 фоизга** ошиб, йиллик **136,0 фоизга** етди.